“Тасдиқлайман”
Андижон вилояти ҳокимлигининг
“Ягона буюртмачи хизмати”
инжиниринг компанияси директори
_________________ Б.Абдурахимов
“___” ____________________ 2022 йил

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Корадарёнинг Избоскан тумани "Сорбоши" МФЙ (ПК-807дан ПК-809гача) "Дарё бўйи" МФЙ (ПК-824дан ПК-826+75гача) худудидан оқиб ўтувчи химоя дамбаларини мустахкамлаш (чап ва ўнг қирғоқ) учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш**

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объектнинг номи | Корадарёнинг Избоскан тумани "Сорбоши" МФЙ (ПК-807дан ПК-809гача) "Дарё бўйи" МФЙ (ПК-824дан ПК-826+75гача) худудидан оқиб ўтувчи химоя дамбаларини мустахкамлаш (чап ва ўнг қирғоқ) учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш |
| 2 | Объектни жойлашуви | Избоскан туман |
| 3 | Лойихалаш учун асос | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарори |
| 4 | Буюртмачи | Андижон вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси |
| 5 | Буюртмачи манзили | Андижон шаҳар А.Навоий шоҳ кўчаси 45-уй |
| 6 | Иштирокчилар учун талаблар | Корадарёнинг Избоскан тумани "Сорбоши" МФЙ (ПК-807дан ПК-809гача) "Дарё бўйи" МФЙ (ПК-824дан ПК-826+75гача) худудидан оқиб ўтувчи химоя дамбаларини мустахкамлаш (чап ва ўнг қирғоқ) учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш |
| 7 | Харид режа жадвали | 2022 йил 1-2 квартал |
| 8 | Танллов ўтказиш ойи | Феврал-март |
| 9 | Танловнинг энг юқори қиймати (ҚҚС) билан | 50 400 000,00 |
| 10 | Молиялаштириш манбаи | Бюджет ҳисобидан |
| 11 | Товар ва хизматлар етказиб бериш манзили шакли | Андижон шаҳар А.Навоий шоҳ кўчаси 45-уй |
| 12 | Товар хизматлари бажариш муддати | 30 кун |
| 13 | Таклифларни тақдим қилиш тартиби ва шакли | Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилган тартибга асосан |
| 14 | Таклифларни тақдим қилиш муддати | 5 кун |

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Андижон вилоят ҳокимлигининг**
**“Ягона буюртмачи хизмати”**
**Инжиниринг компанияси**
**директори**

**_______________ Б.Абдурахимов**

Андижон вилояти Корадарёнинг Избоскан тумани "Сорбоши" МФЙ (ПК-807дан ПК-809гача) "Дарё бўйи" МФЙ (ПК-824дан ПК-826+75гача) худудидан оқиб ўтувчи химоя дамбаларини мустахкамлаш (чап ва ўнг қирғоқ) объектига лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш бўйича лойиҳа ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

*Андижон шаҳар- 2022 йил*

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

I. **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
II. **Техник қисм**
III. **Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Корадарёнинг Избоскан тумани "Сорбоши" МФЙ (ПК-807дан ПК-809гача) "Дарё бўйи" МФЙ (ПК-824дан ПК-826+75гача) худудидан оқиб ўтувчи химоя дамбаларини мустахкамлаш (чап ва ўнг қирғоқ) учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танловнинг юкори қиймати ҚҚС билан 50 400 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Тўловлар уч босқичда амалага оширилади.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Андижон вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. "Буюртмачи" манзили: Ўзбекистон, Андижон вилоят Андижон шахар Навоий 45 уй. Эл.адрес: andijonokc@mail.ru

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

- Лицензия, гувохнома

-Иш стажи 3 йиллик олий маълумотли қурилиш мутахассислига эга мажбурий рахбардан 1 киши мавжудлиги, 5 йиллик иш стажи эга инженер-техник ходимлар, доимий ишловчи 10 та малакали ишчилар мавжудлиги.

- Иштирокчи лойиҳа ташкилотининг молиявий ахволи.

- Лойиха ишларини бажариш учун 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситалари (орг.техника) мавжудлиги Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

● Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

● Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яҳлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдикланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдикланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади: Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

● Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

● Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлик жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга;

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда

жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмунмоҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Исп. Хакимов Р.